ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВ ДЖАХОНГИР ХАЙИТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 351.756.4

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филасофии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Юлдашев Джахонгир Хайитович
Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини
такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари.....3

Юлдашев Джахангир Хайитович
Теоретико-правовые аспекты совершенствования
паспортной системы Республики Узбекистан.....26

Yuldashev Jakhangir Khayitovich
Theoretical and legal aspects of improvement
of the passport system of the Republic of Uzbekistan…….49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……....53

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВ ДЖАХОНГИР ХАЙИТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Yu235 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://www.dba.uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Исмаилов Исамиддин** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рузметов Хайрулло Ибодуллаевич** юридик фанлар доктори
	Хожиев Эркин Туйгунович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-60-80; (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Ҳусанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Э. Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

И.Т. Тультеев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув ва интеграциалашув жараёнларининг тезлашиши натижасида миграция оқимининг кучайиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда, шахснинг эркин ҳаракатланиши ҳамда яшаш учун турар жой танлашига доир ҳуқуқларини самарали кафолатлаш механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 1990 йилда халқаро мигрантлар сони 153 млн нафарни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб мазкур кўрсаткич 173 млнга етган. 2017 йилда эса ушбу кўрсаткич 258 млн нафарни ташкил этган[1].

Жаҳонда миграция жараёнларини самарали тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса ижтимоий тенгсизлик, ўзаро ишончсизлик ва низолар, қуролли тўқнашувлар, миллатлар ва конфессиялар ўртасидаги ихтилофлар таъсирида юзага келаётган сиёсий қочоқлик, мажбурий муҳожирлик ҳамда ноқонуний миграция каби мураккаб тенденцияларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, мазкур омиллар натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ижтимоий хавфнинг олдини олиш ва аҳолини бошқаришни пухта ўйланган сиёсат даражасида ташкил этишнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш, миграция соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам паспорт тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида биргина 2017 йилда 1100[2], 2018 йилда 2528 нафар[3] шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритишни соддалаштириш, шахснинг хорижга чиқиш паспортини татбиқ этиш асосида «...чиқиш визаси сингари умрини ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқларини бекор қилиш»[4], паспорт тизими қоидаларини мақбуллаштириш ва либераллаштириш, шахснинг эркин ҳаракатланишига халақит бераётган бюрократик тўсиқ ҳамда коррупцион ҳолатларни олдини олиш каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса мамлакатимизда паспорт тизимининг илмий-назарий асослари ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

---

[1] http://www.demoscope.ru/weekly/2017/0753/barometer753.pdf.

[2] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б. 6.

[3] Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-632-XII-сон, 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги ЎРҚ-296-сон қонунлари, давлат раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармонлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ҳуқуқ назариясининг етакчи олимлари: Х.Р. Алимов, М.З. Зиёдуллаев, И. Исмаилов, Н.Т. Исмоилов, Ў.Х. Мухамедов, Ж.С. Мухторов, Х.Т. Одилқориев, Х.И. Рузметов, С.М. Селиманова, И.Т. Тультеев, А.С. Турсунов, И.А. Хамедов, Э.Т. Хожиев, Ғ.Т. Ҳакимов ҳамда О.Т. Ҳусановлар томонидан паспорт тизими, фуқаролик ва шахс ҳуқуқий ҳолатига доир бошқа институтларнинг моҳияти, шаклланиши ҳамда ривожланиши, шунингдек уларнинг ташкилий-институционал асосларига оид умумий масалалар ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда паспорт тизимининг илмий-назарий жиҳатлари, шаклланиш ва ривожланиш тарихи, аҳолини паспортлаштириш ва прописка қилиш тартиби, мазкур қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари, ушбу соҳадаги шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий ҳамда маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари А.Б. Ахматов, В.Ю. Дибель, Л.В. Иванова, И.Б. Кардашова, П.Ю. Кириллов, Ю.Н. Кириченко, И.В. Кузурманова, А.И. Кундетов, Г.С. Кусков, П.Б. Музыченко, Т.Б. Николаева, В.В. Салепкина, Ю.Н. Сосновская, О.В. Панкова, Л.Е. Титова, И.В. Черепанова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Республикамизда К.Ш. Арипова – «Муҳожирларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ва улар тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари», С.Ғ. Ишанходжаев – «Меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари», Қ.Ю. Садуллаев – «Фуқароликнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари», И.В. Самиев – «Халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрлар бўйича чет элликларнинг ҳуқуқий

ҳолати: миллий ва хорижий тажриба» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Мазкур тадқиқотларда паспорт тизимига дахлдор миграция, фуқаролик ҳамда шахснинг ҳуқуқий ҳолатига доир масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борилган[5].

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар натижаларини, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда хориж давлатларининг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда паспорт тизимини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган (2016–2018).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимининг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«паспорт тизими»нинг моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қилиш орқали унинг «паспорт режими», «паспорт-виза тизими» тушунчалари билан ўзаро мутаносиблиги ва нисбатини аниқлаш;

паспорт тизимининг функцияларини тадқиқ этиш орқали унинг асосий вазифаларини гуруҳлаштириш, паспорт тизимини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, уни таъминловчи субъектлар доирасини белгилаш;

мустақиллик йилларида паспорт тизимини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш орқали эришилган ютуқ ҳамда камчиликларни ёритиб бериш;

фуқароликка мансубликни баҳолашга имкон бермаётган омилларни аниқлаб, қонун ҳужжатларидаги мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилувчи таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини паспортлаштириш ва прописка қилиш фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш орқали уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш;

паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик амалиётини таҳлил қилиш, жавобгарликни тақозо этувчи қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш бўйича илмий асослантирилган таклифлар бериш;

паспорт тизимини таъминлаш борасидаги хориж мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва миллий тизимга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар бериш.

---

[5] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқот предметини паспорт тизими билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар ҳамда ушбу тизимни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг бу борадаги фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

прописка фактини объектив ва субъектив сабабларга кўра аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда шахснинг фуқароликка мансублигини, шунингдек фуқароликнинг ёлғон маълумот ва сохта ҳужжатлар тақдим этиш асосида олинганлигини баҳолашнинг суд тартибида амалга оширилишига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги илмий асослантирилган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган фуқароларнинг улар орқали мазкур ҳуқуқни қўлга киритиши мумкин бўлган қариндошлари доирасига аниқлик киритиш, уни қонун нормаларида мустаҳкамлаш зарурати асослантирилган;

паспорт тизимини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларда шахснинг нотариал тасдиқланган ишончнома билан бошқа шахслар орқали прописканн расмийлаштириш, шунингдек ваколатли органлар томонидан ҳисобга олишнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқини белгилаш лозимлиги исботланган;

замонавий ёндашув асосида паспорт тизимининг моҳияти, асосий йўналишлари, вазифалари, институционал асослари ва механизмлари илмий асосланган, амалдаги қонун ҳужжатларида «аҳолини паспортлаштириш» ва «ҳақиқий бўлмаган паспорт» тушунчаларини акс эттириш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш ва баҳолаш бўйича юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар мамлакатда яшовчи шахсларнинг фуқароликка доир ҳуқуқларини самарали кафолатлашга хизмат қилади.

Аҳолини паспортлаштириш ва прописка қилиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган таклифлар шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш самарадорлигини ошириши билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келган муаммоли масалаларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

Маъмурий жавобгарлик доирасидан четда қолган паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилаш борасидаги таклифлар мазкур қилмишларга қарши курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий

воситаларини кучайтиришга, амалдаги қонунчиликни замон талаблари асосида модернизациялашга, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий изланиш натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, расмий манбалардан олинган назарий қарашлар ва методологик ёндашувлар, социологик сўров ҳамда эмпирик материалларга асосланган бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид концептуал ва назарий-методологик қарашларни бойитишда, фуқароликка доир қонун ҳужжатларини шарҳлашда, миллий қонунчилик нормаларини янада такомиллаштиришда, «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Ички ишлар органлари фаолияти», «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, шунингдек мазкур йўналишда янги илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тавсия ва хулосаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг жорий этилиши паспорт тизимини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга, мазкур соҳадаги шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини оширишга, шунингдек ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимининг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини, шунингдек фуқароликнинг ёлғон маълумот ва сохта ҳужжатлар тақдим этиш асосида олинганлигини баҳолашнинг суд тартибида амалга оширилишига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва ТИВнинг 2017 йил 7 июлдаги 28/21-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 43-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 17 октябрдаги 26/3-2865-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлаш ва баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинадиган шахсларнинг улар орқали мазкур ҳуқуқни қўлга киритиши мумкин бўлган

қариндошлари доирасини аниқлаштиришга доир таклифлардан 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 06/1-05/2369 вх-сон маълумотномаси). Таклифларнинг инобатга олиниши ички ишлар органларининг фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

фуқароларнинг нотариал тасдиқланган ишончнома билан бошқа шахслар орқали пропискани расмийлаштириш, ваколатли органлар томонидан ҳисобга олишнинг рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 16 майдаги 79-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаси 24-банди ҳамда 2-иловасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 13 сентябрдаги 22/19278-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ички ишлар органларининг фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 3 та халқаро, 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 10 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 152 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг ўрганилганлик даражаси ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий изланиш давомида фойдаланилган усуллар, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, амалиётга жорий этилиши, улар бўйича нашр этилган ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Паспорт тизимининг моҳияти ва ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар таҳлили**»га бағишланган. Унда паспорт тизимининг ҳуқуқий табиати ва хусусиятлари тавсифланган ҳамда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши комплекс ўрганилган. Ушбу бобда паспорт тизимининг турлари ҳамда вазифалари таснифланган; мазкур тизим доирасида тартибга солинадиган ҳаракатлар мажмуи аниқланган; ҳуқуқий мақоми, паспорт тизими соҳасидаги асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, уни таъминловчи субъектлар гуруҳлаштирилган.

Диссертант томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқшунос олимлар (Ғ.Т. Хакимов, Ф.Р. Самиғжонов, Э.Т. Хожиев, Ф. Раҳимов, К. Омонлиқов, И.Б. Кардашова, И.В. Черепанова, Л.В. Иванова, Ю.Н. Сосновская, Г.М. Гура, Д.Р. Фатихов, А.С. Прудников, О.В. Панкова, В.В. Салепкина)нинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган ҳолда «паспорт тизими» тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Юридик адабиётлар таҳлили ҳамда ҳуқуқшунос олимлар (А.Азизхўжаев, О.Ҳусанов, Х.Одилқориев, И.Исмаилов)нинг «тизим» ҳамда «режим» тушунчаларига нисбатан қарашларини ўрганиш асосида ишда «паспорт тизими»нинг «паспорт режими», «паспорт-виза тизими» тушунчалари билан ўзаро мутаносиблиги ва нисбати кўрсатиб берилган.

Тадқиқот давомида ўрганилган назария, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижалари таҳлили асосида паспорт тизимининг зиммасига юклатилган асосий вазифалар кўлами қуйидагича гуруҳлаштирилган: 1) сиёсий вазифалар; 2) ҳуқуқий вазифалар; 3) ижтимоий вазифалар; 4) иқтисодий (фискал) вазифалар. Шунингдек, диссертант паспорт тизимини таъминлаш фаолиятини қуйидаги асосий уч йўналишга таснифлаш фикрини илгари сурган: аҳолини паспортлаштириш, прописка қилиш, паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

Илмий изланиш натижалари асосида ваколат доираси ҳамда тизимда тутган ўрнига қараб паспорт тизимини таъминловчи субъектларнинг қуйидаги тартибда тизимлаштирилиши лозимлиги юзасидан хулосага келинган: 1) паспорт тизимига оид давлат сиёсатини белгиловчи ва унинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи органлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси); 2) паспорт тизими борасидаги вазифаларнинг бажарилишини бевосита таъминловчи ҳамда назорат қилувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (ҳокимликлар, ички ишлар органлари, Ташқи ишлар вазирлиги органлари, ДХХ, Давлат персоналлаштириш маркази, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, прокуратура); 3) паспорт тизимини таъминлаш фаолиятида иштирок этувчи давлат бошқаруви (адлия, солиқ, меҳнат), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролар.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида паспорт тизимини таъминлаш соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва натижаларини чуқур тадқиқ этиш – шахс эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг кафолатланиш даражасини билиш, бу борадаги фаолиятни ташкил этишда юзага келган муаммо ва камчиликларни аниқлаш орқали келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан илмий-амалий тавсиялар бериш имконини беради.

Тадқиқотда суд-ҳуқуқ, хусусан ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, қолаверса, республикада паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқий тартиботларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, паспорт тизими ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши қуйидаги даврларга ажратилган: I босқич – 1991–1999 йй., II босқич – 1999–2009 йй., III босқич – 2009–2017 йй., IV босқич – 2017 йилдан ҳозирга қадар бўлган давр. Ушбу даврларда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган паспорт тизими тартиботларининг шаклланиши ва ривожланишига доир ўзига хос хусусиятлар аниқланган. Диссертантнинг фикрича, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) ислоҳотларнинг дастлабки босқичи (1991–1999 йиллар) республикада ягона фуқароликни ўрнатиш асосида унинг ҳудудида яшаётган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, миграция жараёнларини таъминловчи янги институционал асосларни яратиш ва давлат юрисдикциясига киритиш, шунингдек аҳолини паспортлаштириш борасидаги ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга қаратилган. Ушбу янги механизмларнинг собиқ Иттифоқ бошқарув тизимидан мерос бўлиб қолган паспорт тизими тартиб-қоидалари негизида шаклланганлиги, ўша даврдаги оғир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва криминоген вазият, шунингдек паспорт тизимини таъминлашнинг эскича усул ва шакллари шахснинг мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи муайян даражада чекланишига сабаб бўлган;

2) иккинчи босқичнинг (1999–2009 йиллар) ўзига хослиги шундан иборатки, мазкур даврда конституциявий тузумни ўзгартиришга қаратилган террорчилик ҳаракатларининг содир этилганлиги республикада хавфсизлик

ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек бундай таҳдидларга қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтиришни тақозо этган. Натижада, паспорт тизими норматив базасини янада такомиллаштириш зарурати асосида қабул қилинган бошқарув қарорларида паспорт тизимидан жамиятда хавфсизликни таъминлашнинг асосий воситаси сифатида фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Оқибатда эса мамлакатда паспорт тартиботлари ҳамда хорижий шахслар устидан ижтимоий-ҳуқуқий назорат ва давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш ишлари кучайтирилган, хорижий давлатлар билан паспорт-виза соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланган;

3) ислоҳотларнинг учинчи босқичида (2009–2017 йиллар) мамлакатда шахс эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг кафолатланиш даражасини ошириш мақсадида паспорт тизимида янгича тартибот ва механизмлар жорий этилган, унинг ташкилий-ҳуқуқий, институционал асослари ва моддий-техник базаси такомиллаштирилган. Натижада мазкур босқичда республикада: шахсни тасдиқлаш воситаларини такомиллаштиришга бўлган амалиёт эҳтиёжидан келиб чиқиб, замон талабларига мос бўлган биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари билан таъминлаш тизими жорий этилган; аҳолига паспорт соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тартиботларини ўрнатиш орқали паспорт тизимини таъминловчи субъектлар фаолияти тубдан ислоҳ этилган; ушбу фаолиятнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги самарадорлиги оширилган;

4) ислоҳотларнинг тўртинчи босқичи (2017 йилдан ҳозирга қадар бўлган давр) мамлакатда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни мутлақо янги босқичга олиб чиқишни назарда тутмоқда. Бунда асосий эътибор фуқаролар ва хорижий шахсларнинг доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтиш, турар жой танлаш, чет элга чиқиш ва келишларига доир тартиб-таомилларни, шунингдек фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритишни оптималлаштиришга қаратилмоқда. Халқаро интеграция жараёнларининг кучайиши, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва туризмни ривожлантириш зарурати каби омиллар паспорт тартиботларини янада соддалаштириш ва шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини чекловчи таъсирларни камайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Тадқиқот ишининг «**Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида аҳолини паспортлаштириш, прописка қилиш ҳамда паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни таъминлаш амалиётида юзага келаётган муаммолар тадқиқ этилган.

Мазкур боб доирасида паспорт тизимини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлил этилган бўлиб, унда паспорт тизимининг ҳуқуқий асослари республикада халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши, шунингдек ушбу тизимни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи субъектлар ва уларнинг ваколат доираси, мазкур ҳужжатларнинг юридик

кучи ҳамда аҳамияти ҳисобга олиниб, қуйидаги уч гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилган: 1) халқаро (минтақавий) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; 2) қонунлар; 3) қонуности ҳужжатлар.

Тадқиқот ишида паспорт тизимига дахлдор муносабатларни бевосита тартибга солувчи мамлакатдаги асосий ҳужжатлар – 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги, 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонунларда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқотчи диссертацияда сўнгги йилларда фуқароликка доир ишларни юритишнинг анча жадаллашганлиги натижасида бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий таъминлашга эҳтиёж тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб, ушбу соҳадаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратишни лозим топган. Қолаверса, фуқароликка доир қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик сўровларда иштирок этган мутахассисларнинг аксарияти мазкур соҳада (97,6 % – фуқароликка мансубликни аниқлаш соҳасида; 89,1 % – фуқароликка қабул қилиш ва чиқаришга доир ҳужжатларни юритиш соҳасида; 78,4 % эса фуқароликни бекор қилишга доир ҳужжатларни юритишда) муаммолар борлигини маълум қилишган.

Жумладан, фуқароликка доир ишларни юритиш тартибини белгиловчи низомда (1992 йил 20 ноябрдаги 500-сон фармон билан тасдиқланган) «фуқароликка мансублик» тушунчаси, уни аниқлаш асослари ва шартлари, шунингдек мансублиги текшириладиган шахслар тоифасининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги амалиётда турли муаммоларни келтириб чиқараётганлиги, айниқса собиқ Иттифоқ паспорти билан яшаб юрган ёки уни йўқотган шахсларнинг фуқаролигини аниқлашда йўл қўйилаётган камчиликларнинг алоҳида аҳамият касб этиши, бу эса амалдаги қонун ҳужжатларини замон талаблари асосида модернизация қилишга бўлган эҳтиёжни юзага келтираётганлиги илмий асослантирилган.

Фуқароликка мансубликни белгилашда прописка фактини тасдиқловчи далилларнинг турли объектив ва субъектив сабаблар билан йўқолганлиги амалиётда ички ишлар органлари томонидан паспорт расмийлаштириш имконини бермаётганлиги, бу эса шахснинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда манфаатларига дахл қилаётганлиги, шу боис мазкур масалага ечим топиш зарурати бугунги долзарб муаммолардан бирига айланганлиги илмий жиҳатдан асослантирилган ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадида 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунида «фуқароликка мансублик», «икки (кўп) фуқаролик», «доимий яшаш», «фуқароликни ўзгартириш», «фуқароликка қабул қилиш»,

«фуқароликдан чиқиш», «фуқароликни йўқотиш», «фуқароликни тиклаш» каби асосий тушунчаларни акс эттириш, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг асосий принципларини белгилаш ҳамда фуқароликдан чиқишда соддалаштирилган иш юритиш (аризаларни ҳал этиш муддати уч ой этиб белгиланган ҳолда) тизимига ўтилишини назарда тутувчи қоидаларни мустаҳкамлаш зарурати асослантирилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ шахснинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини аниқлаш фақатгина прописка фактига асосланиши, бу борадаги бошқа мезонларнинг инобатга олинмаслиги эса паспорт расмийлаштириш фаолияти самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги асослаб берилган. Масалан, қонун кучга киргунга қадар (1992 йил 28 июль) шахснинг ҳарбий ҳисобга олинганлиги; унинг давлат чегараси орқали мамлакатга кирганлиги; қонуний тирикчилик манбаси (меҳнат фаолияти)га эга бўлганлиги; фарзанд кўрганлиги; никоҳнинг қайд этилганлиги; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг тўланганлиги каби фактларнинг мавжудлиги ҳам фуқароликка мансублик бўйича хулоса қилиш имконини бермайди. Шу боис тадқиқотчи қонунчиликда фуқароликка мансубликни аниқлаш (баҳолаш)ни кафолатловчи мукаммал позицияни белгилашни таклиф этган.

Аҳолини шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан таъминлашда мамлакатда доимий яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг 16 ёшга тўлиб бирор ҳужжат олмаган, Ўзбекистон фуқаролигига мансуб бўлмаган болаларининг яшаш гувоҳномасини бериш умумий асосларда эмас, балки туман (шаҳар) ички ишлар органлари томонидан (ваколатли субъектлар билан келишмасдан) таъминланишини қонун даражасида белгиланилишига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги асослантирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга республиканинг бошқа минтақаларидан келган яшаш гувоҳномасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий прописка қилишда мазкур масалани ҳал этиш ваколатини (уларнинг дастлабки текширувлардан ўтиб вилоятга прописка қилинганлигини инобатга олган ҳолда) туман (шаҳар) ички ишлар органларига беришни назарда тутувчи ўзгартишни қонунчиликка киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотда аҳолини паспортлаштириш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон фармонга 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомда мавжуд бўлган қуйидаги ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилган:

шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий билетларнинг ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланиши белгиланмаганлиги;

руҳий касаллик ёки ақли заифлик натижасида муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг паспорт олишлари учун тегишли ҳужжатларни ким топшириши мумкинлиги, паспортнинг олиниши ва белгиланган тартибда

сақланиши учун жавобгарлик кимнинг зиммасига юклатилиши назарда тутилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг вақтинчалик республикадан ташқарида бўлиб, касаллиги (ногиронлиги), қарилиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра паспорт олишга келишининг имкони бўлмаган ҳолларда (мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида), ўзга шахслар орқали нотариал тасдиқлаган ишончнома билан паспорт расмийлаштиришни назарда тутувчи қоиданинг мавжуд эмаслиги.

Диссертантнинг фикрича, фуқароларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, мулкка эгалик қилиш, тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқларининг прописка факти мавжудлиги асосида кафолатланиши шахс ҳуқуқлари билан боғлиқ жиддий чекловларни юзага келтиради. Шу боис мазкур институтнинг имкониятларини қисқартириш ҳозирги куннинг муҳим талабидир.

Шу сабабли тадқиқотчи диссертацияда қуйидагилар асосида прописка тартиботларини янада мақбуллаштириш ва либераллаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини илмий асослантирган:

фуқаронинг турган жойи бўйича ҳисобдан ўтмаган ҳолда мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш муддатини ўн суткага қадар узайтириш;

амалдаги қонун ҳужжатларига узрли сабабларга кўра (касаллиги ва ҳ.к.) белгиланган муддатда доимий пропискадан ёки турган жойи бўйича ҳисобдан ўтмаганлик учун (мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда) жавобгарлик юзага келмаслигини назарда тутувчи қоидани киритиш;

пропискадан ўтишда талаб этиладиган (такрорий функцияни бажарувчи) ҳужжатлар рўйхатини кескин қисқартириш ва мазкур тартиб-таомилларни соддалаштириш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида уй-жой мулкдорларининг қуйидаги қариндошлари: ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандларига турган жойи бўйича ҳисобдан ўтмасдан улар билан вақтинчалик яшаш ҳуқуқини бериш.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги «Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 24-сон қарори асосида хизмат турар жойлари билан таъминланган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини прописка қилиш тартиби билан боғлиқ қоидаларни амалиётда қўллаш жараёнида юзага келаётган муаммолар ўрганилган ҳамда идоравий ҳужжатларни (хусусан, ИИВнинг 1999 йил 29 мартдаги 55-сон буйруғи билан тасдиқланган низомни) такомиллаштириш асосида мазкур муаммоларни бартараф этиш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот ишида паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни таъминлаш амалиёти таҳлил этилган бўлиб, унда жавобгарлик доирасидан четда қолган қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш орқали биринчи навбатда уларни олдини олиш, қолаверса, мазкур қилмишлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мумкинлиги асослантирилган.

Маъмурий қонунчиликка алоҳида шароитларда («паспорти ўғирланган, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўташ вақтида ёки табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, зилзила ва ҳ.к.) оқибатида йўқотилган ҳолларда») паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун шахсни жавобгарликдан озод этиш бўйича рағбатлантирувчи нормани киритиш таклиф этилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан ёки фуқаролиги бекор қилинган шахсларнинг фуқаролик паспортини қонунда белгиланган муддатда ваколатли органларга топширмаслиги ёки ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиши; чегара зонасида ҳаракатланиш (кўчиб юриш), хўжалик (меҳнат), овчилик ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш, транспорт воситаларида ҳаракатланиш, рухсатномасиз мазкур ҳудудларда оммавий тадбирлар ўтказиш; хорижий шахснинг яшаш гувоҳномасини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки гаровга олиш; чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон фуқаролигига кириш ёки доимий яшашга рухсатнома олиш учун давлат органларига ёлғон маълумот тақдим этиши; хорижий шахсларни мамлакатда қабул қилиш тартибининг бузилиши каби қилмишларни жавобгарлик доирасига киритиш зарурати илмий асослантирилган.

Диссертациянинг «**Паспорт тизимини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида паспорт тизимини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибалар; республика паспорт тизимининг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институционал асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича илғор тажрибаларга эга давлатлар (АҚШ, Германия, Испания, Швеция, Белгия, Эстония, Малайзия, Португалия, Литва, Нидерландия, Хитой, Молдова, Россия, Қозоғистон)да мавжуд қуйидаги амалиёт натижалари таҳлил қилинган, умумлаштирилган ва уларда мавжуд ижобий ютуқларни миллий тизимга татбиқ этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган:

МДҲ давлатларидан фарқли равишда АҚШда паспорт тизимини таъминлаш борасида рухсат берувчи рўйхатга олиш («регистрация») тартиби мавжуд бўлмаса-да, аҳолининг электрон ҳисоби бир нечта давлат органлари томонидан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олган шахслар базаси – DMV («Department of Motor Vehicle»); аҳолининг нафақа фонди базаси – SSA («Social Security Administration») ўз мақсадлари йўлида шакллантирилади. Бу эса фуқароларнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини таъминлайди.

Германияда аҳолини рўйхатга олиш (регистрация) тизими мавжуд бўлиб, «Anmeldung» деб номланади. Мазкур тартиб аҳоли учун соддалаштирилган бўлиб, фақатгина ахборот берувчи (мажбурий эмас) хусусиятга эга, шунингдек маҳаллий органлар томонидан амалга оширилади. Регистрациядан ўтиш учун уй-жой мулкдорининг турар жой бериши ҳақидаги шартномаси ёки туман кенгашининг турар жой тақдим этилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси асос ҳисобланади. Маҳаллий органлар томонидан тақдим этилган шахснинг

мурожаат этган манзилда яшаши тўғрисидаги бир варақ қоғоз маълумотнома («in quarto») рўйхатдан ўтганлик фактини тасдиқлайди. Мазкур ҳужжат шахсга қолган барча ҳужжатларни (ҳайдовчилик гувоҳномаси, паспорт, ID ва ҳ.к.) олиш ҳуқуқини беради.

Хитой қонунчилиги талабларига кўра, хорижий шахс (меҳмонхонада яшовчилар бундан мустасно) ёки уни қабул қилувчи 24 соат ичида маҳаллий иммиграцион бўлинмалардан рўйхатдан ўтиши шарт. Шу билан бирга, алоҳида эътирофга лойиқки, рўйхатдан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ҳам йўлга қўйилган бўлиб, аэропорт, вокзал ёки аҳоли кўп яшайдиган жойларда махсус машина (қурилма) ёрдамида бир неча дақиқа ичида рўйхатга олиш ишлари амалга оширилади. Мазкур тизим хорижий шахсларга бир қатор қулайликлар тақдим этиб, туризмни қўллаб-қувватлаш, туристларга максимал даражада юқори хизмат кўрсатишга имкон беради.

Россияда аҳолини рўйхатга олиш тизими анча оптималлашган бўлиб, фуқаролар вақтинча ёки доимий «регистрация»дан ўтиш асосида яшайдилар. Фуқароларнинг вақтинча рўйхатдан ўтиш ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда регистрация органларига тақдим этиш вазифаси (масъулияти) хусусий ёки давлат ихтиёридаги уй-жой фондларининг мансабдор шахслари, уй-жой фонди эгалари, уй-жой қурилиши кооперативларининг ваколатли шахслари зиммасига юклатилган. Регистрациядан ўтиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати ҳам соддалаштирилган (улар: шахсни тасдиқловчи, турар жойда вақтинча яшаш учун асос бўлувчи ҳужжатлар, шунингдек фуқаронинг аризасидан иборат). Миграция соҳасидаги давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, мазкур муносабатлар давлатнинг узоқ муддатга мўлжалланган «концепцияси» (дастури) асосида тартибга солинган. Ушбу ҳужжатда мазкур соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари белгилаб берилган.

Молдовада хорижий шахсларни маъмурий тартибда чиқариб юбориш ва депортация қилиш жараёнини таъминлашда ўзига хос тажриба татбиқ этилган бўлиб, унда ушбу функцияни бажарувчи, аксарият мамлакатларда мавжуд бўлмаган «вақтинчалик жойлаштириш марказлари» фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур тузилмаларнинг асосий вазифалари ушлаб турилган, давлатига қайтариб берилаётган («реадмиссия»), маъмурий тартибда чиқариб юборилаётган ёки депортация қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга кўмаклашишдир.

Қозоғистонда хорижий шахсларни назорат қилиш «миграцион карта» тизими ёрдамида амалга оширилади. Картада хорижий шахс (фуқаролиги, ёши, жинси, келиш мақсади) ва унинг мамлакатда бўлиш муддати ҳақидаги маълумотлар қайд этилган бўлиб, давлатда вақтинчалик бўлиш ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқлайди ва ваколатли органларга хорижий шахсларнинг яшашларини назорат қилишда кўмаклашади.

Тадқиқот ишида шахсни электрон шаклда тасдиқлаш воситалари татбиқ этилган мамлакатлар (Белгия, Германия, Эстония, Малайзия, Португалия, Словакия, Испания, Швеция, Литва, Нидерландия) амалиёти таҳлил этилган

ҳамда уларда жорий этилган илғор технологиялар асосида фуқарони ўз уйида турган ҳолда идентификациялаш имконини берувчи «универсал электрон паспорт» («ID-card») тизимини мамлакатда жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Диссертантнинг фикрича, паспорт тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан яна бири – уни ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш бўлиб, уларни аввало, қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига максимал даражада мослаштириш, қонуности ҳужжатларини инвентаризация қилиш ва паспорт тартиботларини (тизимни таъминлаш механизмларини) мақбуллаштириш орқали бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада мамлакатда таҳлил қилинаётган фаолият йўналишига доир муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, шунингдек паспорт тизимини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш заруратининг юқорилиги асослантирилган ва ушбу масалада Озарбайжон Республикасида қабул қилинган Миграцион кодекснинг ижобий жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, тадқиқотда хорижий давлатлар: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Молдова, Озарбайжон, Арманистон, Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон қонунчилигини ўрганиш натижалари асосида паспорт тизимига доир (дахлдор) миграция, фуқаролик, шахсни тасдиқлаш ва ҳисобга олиш (прописка), хорижий шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, чет элга чиқиш (кириш), қочоқларнинг мақомини белгилаш билан боғлиқ муносабатларнинг қонун даражасида тартибга солиниши лозимлиги юзасидан хулосага келинган ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклифи илгари сурилган (қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган).

Тадқиқотчи ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилаётган муаммоларни ўрганиш асосида қонун ҳужжатларида алоҳида ҳолларда тезкор («шошилинч равишда») паспортлаштириш механизмларини белгилаш таклифини илгари сурган. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали кафолатлаш ва тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида республиканинг барча ҳудудидан (прописка фактидан қатъи назар) паспорт олиш имконини берувчи тартибни жорий этиш зарурати кўрсатиб берилган.

Ушбу бобда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатда бўлиш (яшаш) қоидаларига доир илмий-назарий қарашларни (С.С. Рустамов, А.В. Степанов, М.Г. Прусакова, И.В. Шатохин, В.Ю. Горбунов, А.А. Истратов, О.Н. Шерстобоев) ўрганиш асосида, диссертант ҳуқуқ назарияси ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «депортация» ва «маъмурий тарзда чиқариб юбориш» тушунчаларининг фарқли жиҳатларини белгилаш зарур деган хулосага келган.

Республикада шахсни тасдиқлаш бўйича ягона тезкор-мобиль маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги, биргина шубҳа уйғотганлиги сабабли

ушланган шахсларни яшаш манзили бўйича текширишнинг ҳали-ҳамон манзил-маълумот бюроси орқали амалга оширилаётганлиги, бу эса шахс ҳуқуқларини чеклаши билан бирга, тезкор маълумот алмашиш имконини бермаслиги, шу боис мобиль телефон ёки компьютер орқали масофадан туриб шахс тўғрисидаги маълумотларга кириш имконини берувчи тизим ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш эҳтиёжи юқорилиги диссертацияда асослантирилган.

